

**Самарқанд – сайқали рўйи замин аст,
Бухорои шариф – қуввати дин аст.**



**Самарқанд – ер юзи зеб-зийнатидур,
Бухорои шариф – дин қувватидур.**

**АКБАР АЛЛАМОВ
ШОДМОН ЖУРАЕВ
МАРҲАБО АШУРОВА**

БУХОРОДА ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ



ISBN 978-9943-6257-4-1



9 789943 625761

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АКБАР АЛЛАМОВ, ШОДМОН ЖЎРАЕВ,
МАРҲАБО АШУРОВА

БУХОРОДА ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

(ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА)



“БУХОРО” НАШРИЁТИ,
2020

Такризчилар:

Э. Х. Зоиров –

Бухоро Мухандислик технологиялари институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

Б. Б. Намозов –

Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

А. З. Шарипов –

Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди.

БухДУ Тарих ва маданий мерос факультетининг 28. 12. 2019 йилдаги 3-сон Педагогик кенгаши муҳокамасидан ўтказилган.

БухДУ нинг 20. 01. 2020 йилдаги 4-сон ўқув-методик кенгаши муҳокамасидан ўтказилган.

Бухоро Шарқда ислом дини марказларидан бири сифатида ўзининг халқаро илмий салоҳиятига эгадир. Ушбу қўлланма Бухоронинг ислом аҳкомлари نامўнаи шаклланган маркази эканлигида бағишланган бўлиб, у ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислари учун мўлажалланган.

КИРИШ

Бухоро нафақат кўҳна Шарқ тарихида, балки бутун дунё цивилизацияси тарихида ўзига хос салоҳиятга эга қадимги маданий марказлардан бири бўлиб, у инсоният тарихи барча даврларида кечган ўзгаришларни маълум бир даражада ўзида акс эттирган ҳудуддир. Зеро бу ҳудуд шимолдан – жанубга, шарқдан – ғарбга гомон чўзилган қабилалар, элатлар ва халқлар миграцияси доирасида бўлган ҳамда шу кўчиш-ўзгаришларни ўз тарихида маълум бир даражада намоён қилади. Бухоро воҳаси қадимда пасткам ҳудуд ўлароқ кўлар ва тўқайзорлардан иборат бўлган. Бу эса ўз навбатида Бухоро ҳудуди геологик даврийлиги жиҳатидан олганда қадимда денгиз жойи бўлганлигини кўрсатади. Бухоро воҳасида тош даврига оид Замонбобо ва Учтут маконларининг мавжудлиги бу ер инсоният илк тарихининг қадимги марказларидан бири бўлганлигидан далилат беради. Кейинчалик воҳада илк темир асри маданияти элементлари тарқатилганлиги ҳам кузатилади. Архаик давр маданияти излари Ромиш ва Лолазор маконлари атрофида, антик даврда эса Бухоро эндиликда Сўғдиёна (Ғарбий Сўғдиёна) номи билан турли тарихий манбаларда учрайди. Бу хусусдаги маълумотлар аксарияти Александр Македонский юришлари воқеалари бориши билан боғлиқдир. Антик даврдан илк ўрта асрларга ўтиш даврида воҳада Бухоро, Ромиш, Пайкенд, Варахша ва Дабусия каби шахар маданияти марказлари шаклланиб боради. Айни шу даврлардан бошлаб тарихий манбаларда Бухоронинг турлича номларда ағалиши кўзга ташланади: Вихара (қадимги санскритда), Ань (хитой тилида), Би-хор (зардуштийларда), “Илмлар жам бўлган жой” (Жувайнийда), “Илм кўп жой” (“Бурхони қоти” да), Илм (“Гийёс-ул-дугот” да), Бухор (уйғурчада), Бахор (“Фарҳанги луғоти Шох-

кенглик (Хурфирлилик) ва Мехнат (Яратувчанлик) каби асосларнинг бевосита ҳаётда доимий ҳамда кенг амал қилинишида намоён булди. Ушбу жараёнлар жамиятдаги иқтисодий (иқтисодий муносабатларнинг табиий бўлиши), ижтимоий (жамиятни ижтимоий адолат асосида ривожлантириш) ва маданий (ислом аҳкомлари асосида жамиятда мумтоз тизимларни шакллантириш) йўналишлардаги ривожланишга таъсир кўрсатди.

Ривожланган Ўрта асрлар (IX-XV асрлар) давомида ҳукм сурган сулолалар (Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар, Мўғуллар, Темурийлар) даврида Бухоронинг диний-маърифий мавқеи янада ошиб борди.

Қорахонийлар ва Салжуқийлар даврида Бухоронинг нуфузи нафақат Мовароуннаҳрда, балки Яқин ва Ўрта Шарқда ўсиб боради. Бу бир томондан салжуқийларнинг халифаликдаги таъсири ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Ғарбнинг Шарқдаги Салб юришлари авж олган давр бўлиб, унда мусулмонларнинг катъий ғоя ва эътиқод асосида бири-лашиши талаб этиларди. Шу жиҳатдан Бухоро мусулмонлар орасида исломий билимлар маркази ва тоза эътиқод рамзи сифатида ўрин эгаллаб бораётган эди.

Ғазнавийлар сулоласи эса ўз юришларининг аксариятини ислом аҳкомларини ёйишга қаратган эди.

Хоразмшоҳлар подшоҳларининг ислом дунёсидаги нуфузи шу қадар баланд эдики, халифалик маркази маълум бир даражада уларнинг таъсири остида бўлган эди.

Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг Бухорога босиб келиши, уни вайрон этиши ва бу ерда оммавий қирғин уюштириши маълум бир давр мобайнида бу ўлканинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий инқирозига олиб келди. Шундай бўлса-да (1272 йилги Хулагийлар босқинини истис-

но эътиборда) Бухоро яна бир бошдан ўзининг ҳақиқий нуфузини тиклай бошлади. Бу жараён Темурийлар давригача маълум бир ўзига хос йўсинда кечди. Темурийлар даврида эса Бухоро яна аввалгидай ўзининг юксак исломий мавқеини тўла тиклаб олди. Бу даврда Бухорода ўн иккинчи асрда таъсирчан илмий бошланган "Етти пир" сўфийлик тизими ўзининг мангикий яқунига етиб, бу ерда ҳозирда ҳам ислом дунёсида назарий-амалий аҳамияти кагта бўлган Нақшбандия сўфийлик оқими тўлиқ шаклланади.

Шайбонийлар даврида эса Бухоронинг чинакам катта шаҳар сифатидаги инфраструктураси шаклланади. Бу ерда жуда кўплаб ислом обидалари вужудга келади. Эңдиликда Бухоро Ўрта Шарқда мусулмончилик аҳкомлари тўғри ижросини белгилаб берувчи марказга айланади. Чунки агрофамлакатлардан ислом таълимоти бўйича кўпгина олим-уламолар Бухоро мадрасаларида таълим олиб кетардилар. Бу анъана ҳозирда ҳам давом этиб келмоқда.

Аштархонийлар даврида эса Бухорода маълум бир даражада ижтимоий-иқтисодий инқироз вужудга келадики, бу ўлкани жаҳон тараққиёт орбитасидан чиқариб юборади. Шундан сўнг Мангитлар даврида ҳам Бухоро бу йўналишда жаҳон тараққиёт орбитасига кўтарила олмайди. Шундай бўлса-да бу даврларда ҳам Бухоро Ўрта Шарқда исломий марказлардан бири бўлиб қолаверди. Умуман олганда сўнгги ўрта асрларда (XVI-XVIII асрлар) Шайбонийлар, Аштархонийлар, Мангитлар сулолалари даврида) Бухоронинг ушбу мавқеи янада мустаҳкамланиб кучайиб борди. Бу даврда биргина Бухоро шаҳрининг ўзида 200 дан зиёд маҳал – мадрасаларнинг юзага келиши бунинг ёрқин мисолидир.

Шўролар даврида жанговар атеизм сиёсати натижасида Бухорода ислом асосларига нисбаган жуда катта зарба берилди. Бу жараён қуйидаги йўналишларда рўй берган эди:

этилган. Бу ҳозирда Навоий шаҳри яқинида жойлашган. Работ тахминан 1069-1070 йиллар атрофида қурилган. Ундан улкан пештоқ қисми (бўйи 18 метр, эни 12 метр) сақланган бўлиб, қолган қисмлари бузилиб кетган. У Ўрта Осиё ра-ботлари орасида ўзининг улкан пештоқи билан ажралиб ту-ради.

МИНОРАИ КАЛОН (XI аср)

Минораи Калон (Катта Минора) – 1127 йилда муҳандис ва меъмор уста Бақо томонидан бунёд этилган. Минораи Калон ўрнида илгари ҳам минора бўлган. Бу меъморий оби-даннинг пойдевори тошдан терилган. Минора асоси диаметр ҳажми 9 метр, баландлиги 50 метрга яқин. Унинг курси – қиррадор, танаси эса конуссимондир. Миноранинг танаси ва муқарнаслари 1920 йилги Шўро босқини даврида ўн бир жойидан шикастланган. Баланддаги қисми эса қулаб тушган эди. Ҳозирда Минора қайта таъмирланган бўлиб, ўзининг илк кўринишига қайтирилган.

ВОБКЕНТ МИНОРАСИ (XII аср)

Бухоронинг Вобкент туманида бадавлат мансабдор Бур-хониддин Абдулазиз II қурдирган меъморий ёдгорлик (1196-1198 йиллар). Рангдор пишқ гишглاردан масжид ёнига қурилган обида. Ингичка ва бежирим бўлгани учун унинг юқори қисми муаллақ тургандек туюлади. Пардозли гишт-чалари ва нақшлари унга ҳусн бағишлайди Вобкент мино-раси Ўзбекистон миноралари орасида энг ихчам ва кўрка-мидир. Унинг баландлиги 40,3 метр, паст диаметри 6,19

метр, юқори қисми диаметри эса 2,81 метрга тенг. Минора Шарқ исломий архитектурасининг ноёб бир намунаси хи-собланади.

МАҒОКИ АТТОР МАСЖИДИ (XII-XIV асрлар)

Бухородаги ислом меъморчилиги намунаси. Қадимги шаҳристоннинг жанубида қурилган. Дастлаб бу масжид ўр-нида оташпарастлар ибодатхонаси бўлган. Ибодатхона атро-фи пастроқ ерга жойлашган. Муаррих Наршахийнинг ёзи-шича, унинг ёнида “Бут-санамлар” бозори бўлган. “Мағоки” сўзи форс-тожик тилида – чуқурлик маъносини аниглайди. Масжид вақт ўтиши билан кўмилиб кетган. 1934-1935 йил-лари В. В. Шишкин томонидан бу ерда археологик изла-нишлар олиб борилган. Масжид, айниқса унинг жанубий пештоқи фақат Бухоронинг эмас, балки бутун Марказий Осиё меъморий маданиятининг қимматбаҳо ёдгорлиги си-фатида кадрланади. Мағоки АТтор масжиди ёпиқ турдаги масжидлардан бўлиб, унинг томини 6 та тош устун кўтариб туради.

ЧАШМАИ АЮБ МАҚБАРАСИ (XII-XIV асрлар)

Бухородаги меъморчилик обидаси. Халқ орасида у Ми-нораи Калон (1127 йил) ва Намозгоҳ масжиди (1119йил) би-лан бир даврда Арслонхон томонидан қурдирилган, дейи-лади. Шунингдек, Чашмаи Аюб илгари Чашмаи Маюб номи билан юритилган ва касалманд одамлар шу чашма – қудук-дан сув олиб даволанишган, деган ривоят бор. Кейинчалик обида Темурийлар даврида қайта қурилган. Ёдгорлик пеш-

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т. Фан. 1963.
2. Хайитов. Ш. А. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тарихидан (Қадимги замонлардан – XX аср 20 йилларигача). Бухоро. 1996.
3. И. А. Каримов. Без исторической памяти нет будущего. Ташкент. Узбекистан. 1999. 14 стр.
4. А. Мец. Мусульманский ренессанс. Москва. Наука. 1973. 473 стр.
5. М. П. Капустин. Диалектика национального и общечеловеческого в художественной культуре Советского Востока. Ташкент. Фан. 1978. 266 стр.
6. Б. Г. Гафуров. Тажики. Душанбе. Ирфон. 1989. 480 стр.
7. Ж. Рыпка. Й. С. Брагинский. История Персидской и таджикской литературы. Москва. Прогресс. 1970. 439 стр.
8. Тафаккур дурдоналари (Жемчужины познания). Ташкент – 2012.
9. Суҳарева. О. А. Позднефеодалный город Бухара конца XIX – нач XX века. Ремесленная промышленность. Ташкент. Издательство АН Узбекистана. 1962.
10. Документальные источники истории феодального института танха в Западной Бухаре. Ташкент. 1989.
11. Мирзаахмедов. Д. К. Глазуванная керамика Бухары второй половины XVIII – первой половины XIX века. Из истории культурного наследия Бухары. Ташкент. 1990.
12. Р. Альмеев. Устное народное творчество Бухарских евреев. Бухара. 1997.
13. Курбанов. Г. Н. Печати Бухарского ханства конца XIX – начало XX века. Историко-ведческое исследование. Ташкент. 1990.
13. Абу Райхан Аль Бируни. Памятники прошлых поколений. Ташкент – 1957.
14. Бартольд. В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Собр. соч. Т.1. Москва. Наука. 1963.
15. С. П. Толстов. Древний Хорезм. Москва. МГУ. 1948.
16. Кучкаров. О. Т. Синдаров Л. К. Легенды и сказания о городах и селах в произведениях Наршахи «История Бухарь». IV – Международная научная конференция «Филология и лингвистика в современном обществе». Москва. 2016.
17. Абу Бакр Мухаммад Жайфар Наршахий. Бухоро тарихи (История Бухары). Ташкент. Фан. 1966.
18. Альмеев. Р. Музей или храм. Бухара. 1991.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-қисм: Кўҳна Бухоронинг исломий меъморий обидалари.....	8
2-қисм: Бухоронинг машхур олиму уламолари.....	15
3-қисм: Бухоролик машхур фан арбоблари.....	20
4-қисм: Бухоролик адиб, шоир ва тилшунослар.....	32
5-қисм: Бухоро хагтоғлари.....	36
6-қисм: Бухоро фақиҳлари.....	45
Хулоса	53
Фойдаланилган адабиётлар.....	54

АКБАР АЛЛАМОВ, ШОДМОН ЖЎРАЕВ,
МАРҲАБО АШУРОВА

БУХОРОДА ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

(ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА)

МУҲАРРИР: И. СУБҲОНИЙ
ТЕХНИК МУҲАРРИР: А. ОДИЛОВ
МУСАХҲИҲ: Н. ҚИЛИЧЕВ
САҲИФАЛОВЧИ: А. ҚАЛАНДАРОВ

Нашриёт лицензияси А-1 № 115 30.09. 2008. Оригинал – макетдан босишга рухсат этилди. 14. 03. 2020. Бичими 60x84. Кегли 16 шпонли. “Times” гарн. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Босма табоғи 3,5. Адади 100. Буюртма № 16 Бухоро вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси, “Бухоро” нашриёти: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 5. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Sadiiddin Salim Vohorij” MCHJ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй.